



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КОММУНИСТИК МЕХНАТ ВА ТУРМУШ УЧУН

Г. ҚОДИРОВ,

ЧИРЧИК ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

СОЦИАЛИСТИК Чирчиқ шаҳри меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь» социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарорини қалблари фахрлиниш хис-туйғуларига тўлган ҳолда кутиб олдилар. Қарорда қаҳрамон халқимиз босиб ўтган шонли йўл, тузумимизнинг қудратли кучи, тарихан қисқа давр ичда бажаришган улкан ишлар ўз ифодасини топган. Дарҳақиқат, бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, дунё халқлари олдидаги нуфузимиз ҳам, эрк ва қиёликимиз ҳам шонли Октябрь туйғули. Шу босдан Чирчиқ шаҳри меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейини янги-янги зафарлар билан кутиб олишга, тарихий санани муносиб нишонлашга отлангандлар.

Партия ташкилотлари, ҳўжалик раҳбарлари, идеология фахри байрамга тайёргарликни ҳар томонлама кучайтириб, ўз фаолиятларини тобора тақомиллаштирмақдалар, ишлаб чиқариш самардорлигини ва иш сифатини оширмақдалар. Юбилей йилида шаҳримиз меҳнаткашлари ўз иммаларига янги, оширилган мажбуриятлар олгандлар. Улар сановат маҳсулотларининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик планини 27 декабрга адо этиш, планга қўшимча равишда 40 минг тонна минерал ўғит, 250 минг сўмлик химия ускунеси, 300 минг сўмлик электротехника ускуналари, 200 минг сўмлик қишлоқ ҳўжалик машиналари ва бошқа кўп қўллаб маҳсулотларини ишлаб чиқаришга бел боғлагандлар. Умуман йил давомида пландан ташқари 9,6 миллион сўмлик, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини нишонланадиган кунгача 8,8 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми 20 процентга етказилади.

Зиммага олган юксак мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан шаҳар партия комитети ташкилий-партиявий ва агитация — пропаганда ишлари тadbирларнинг комплекс планини ишлаб чиқди. Ҳозир барча партия ташкилотлари шундай план асосида иш юритмақдалар.

14 февралда бўлиб ўтган шаҳар партия ташкилоти фахри йилгида КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь» социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарори асосида бажарилиши лозим бўлган вазифалар атрофида кўҳома қилинди. Ингилмишда тadbирлар янада конкретлаштирилди. Меҳнат коллективлари ўз иммаларига янги оширилган мажбуриятлар олдилар. Жумладан, тўртта корхона коллективи 7 ноябргача ўзининг беш йилликнинг дастлабки икки йили планини бажаришга сўз берди.

Шонли санани муносиб нишонлаш юзасидан бошланган ташаббуслар барча ишчилар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий

Комитети маъқуллаган ўн тўртлар ташаббуси шаҳримиз корхоналари бўйлаб кенг қўллаб қўйилди. Шуниси қувончлики, бу ташаббускорлар орасида бизнинг ҳамшаҳримиз, Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қаттиқ қотишмалли металллар комбинати ишчиси Зоя Ивановна Побединская ҳам бор эди. Илгор ишчи 7 ноябргача тўрт йиллик нормани бажаришга, барча маҳсулотларини биринчи кўрсатишдаёқ топиришга, иқтисод қилинган металлдан 1,8 миллион метр вольфрам сими ишлаб чиқаришга, 8 минг киловатт-соат электр энергиясини тежашга ва уч ёш ишчиға ўз хунарини ўргатишға сўз берган З. И. Побединскаянинг комбинатдаги издошлари ҳозир 15 кишидан ошиб қолди. Уларнинг ҳаммаси Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача 3,5—4 йиллик нормани бажариш учун курашмоқда.

Областимиз сановат корхоналарининг ўн тўрт илгор ишчисининг Октябрь 60 йиллиги шарафига ўз иммаларига олган оширилган социалистик мажбуриятларини, область партия комитети маъқуллаган эди. Ватанпарвар ташаббускорлар сафига «Ўзбекхиммаш» заводи темирчилик пресшасс цехининг бригада бошлиғи Мардон Ҳамдамов ва «Чирчиксельмаш» заводи тоқари Павел Овчинников ҳам бор. Уларнинг издошлари ой сайин кўпайиб бормоқда. «Ўзбекхиммаш» заводидан Л. Рябужин мастерлик қилётган устанининг бир гурупа ишчилари, «Чирчиксельмаш» заводидан 17 ишчи 7 ноябргача уч ярим йиллик программани бажаришға ҳаракат қилмоқда. Автобус-таксомотор паркнинг 203 ҳайдовчиси эса байрамгача икки йиллик планини бажариш учун курашмоқда.

«Электромаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси аммак ишлаб чиқариш участкаси коллективи ишлаб чиқариш қувватларидан юксак унум билан фойдаланиш ташаббусини кўтарди. Кимёгарлар бор имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, илгари белгиланганга нисбатан бир неча минг тонна кўп аммак ишлаб чиқаришға аҳд қилдилар. Ҳозир ҳамма ишчилар ўзаро социалистик мусобақа шартларини тузиб олгандлар. Инженер-техник ходимлар технологик жараёнларнинг аниқ бажарилишини таъминламоқдалар. Улар шахсий ижодий план асосида маҳсулот сифатини яхшилашга ва ишлаб чиқариш самардорлигини оширишға катта ёрдам бермақдалар.

Октябрь шарафига бошланган социалистик мусобақа самардорлигини оширишда кўргазмалли агитация воситаларидан унумли фойдаланилмақда. Зарбдор ҳафталар якуни кўрсаткич тахталарида мунтазам ёзиб борилапти. Мусобақани аюқлашда барча соҳалар комплекс ҳисобга олинапти. Корхоналарда давом этётган коммунистик меҳнат ҳаракати ҳам кишиларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини оширишға, коммунистик онглигини тарбиялашға ёрдам бермоқда. Иктимойй бурға сadoқат, меҳнатга коммунистик муносабат ҳиссининг шаклланиб бориши натижасида янги-янги оммавий ташаббуслар туғилапти.

(Давоми 2-бетда).

КАПРОЛАКТАМ

ТЕЗОҚАР Чирчиқда тушган конг адирда яна ёкказатор ва бўлдозорлар ларга тортмоқда. Бетон ва аратматура ортай машиналар шу томонга тинимсиз оқиб келапти. Қурилиш майдонидан иш қизиган. Бир томонда бўлажак объектларнинг монолит пойдевори қўйилапти, иккинчи томонда эса металл конструкциялар монтажга тайёрланапти.

Қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари кундалик ишни кунда аюқлаб боришга япти. Бажариладиган лойиҳа билан солиштириб қуришайпти. Чизмалардан бир аниқ ҳам оғиш йўқ. Жараёнлар нишқ-пухта амалга ошириляпти.

160-қурилиш трестининг 94-қўйма механизацияланган колоннаси бошлиғи И. Эльюкин вагонча деворига осиб қўйилган лойиҳаға юзланди.

Биз бўлсак, 56 метрлик металл жавон пойдевориға бетон ётқизаямиз. Ҳадемай янгиға градири қуришннға ҳам қўл урамиз. Бу қурилишда бестон қурилишнинг энг прогрессив технологияси қўлланилади. Шунда иш вақти ҳам, қўллаб тахтаёғоч ҳам иқтисод бўлади.

РЕПОРТАЖ

Бригаданнинг 40 аъзоси бор. Улар ҳозир ҳўжалик ҳисобиди ишлашға ўтишган. Бу усулда йил давомида 200 минг сўмлик иш бажариш мумкин. И. Южаков, М. Рубцов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадалар ҳам янгиға усулда ишлашға ўтишға тайёргарлик қуришайпти.

Капролактам қувватлари қурилишға ўтган йили қиришилган эди. Қисқа вақт

ичида бинокорлар салжам икки миллион сўмлик капитал маблагни ўзлаштиришди. «Главташкентводострой», 180-қурилиш трести ва бошқа ташкилотларнинг бинокорлари қурилишннға тезлаштиришға ёрдам берувчи янги-янги резервларни қидириб топмақдалар. Улар ҳозир бир йўла 16 та объект пойдевориға бетон қўйишайпти.

Йили кунлар ичида бетон ишлари тўталаниб, эстафетани монтажчилар олшайди. Ишлаб чиқариш объектилари асосан металл конструкцияларидан қад кўтарайди. Бир йўла ускуналар ҳам ўрнатиб кетилади. Бу йил ҳаммаси бўлиб, 7200 тонна агрегат монтаж қилиниши керак. Ҳозир ҳамма бир жон, бир тая бўлиб «Электромаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида бунёд этилаётган капролактам қувватларини барвақт ишға туширишға ҳаракат қилмоқда.

Н. ЖАСУРОВ.

№ 87 (5948).

4

МАЙ

ЧОРШАНБА

1977 йил.

Баҳоси 2 тийин.

СОЦИАЛИСТИК ЧИРЧИК КИМЕГАР ВА МЕТАЛЛУРГЛАР,

ЭНЕРГЕТИК ВА БИНОКОРЛАР ШАҲРИ. ШАҲАР МЕХНАТКАШЛАРИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «УЛУГ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА» ГИ

ҚАРОРИГА ЖАВОБАН ЯНАДА АКТИВЛИК КЎРСАТИБ, УЛУГ БАЙРАМНИ МУНОСИБ НИШОНЛАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚДАЛАР. ГАЗЕТАМИЗНИНГ БУГУНГИ СЕНИДА ЧИРЧИҚЛИКЛАР БОСИБ УТГАН ШОНЛИ ЙЎЛ ВА УЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ МЕХНАТ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ.



▲ Чирчиқ шаҳрининг дондор кишилари (ўнгдан) «Электромаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси мисгари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Деҳқон Шерчибоев, «Промтехмонтаж» бошқармаси электр пайвандчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Иосифович Поленков, трансформатор заводи мастери Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Антонина Давидовна Дугина, «Электромаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси аппаратчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эргаш Пириматов, «Чирчиксельмаш» заводи тоқари, Ленин ордени кавалери Илья Данилович Уваров ва «Ўзбекхиммаш» заводи ветеран инженер, Октябрь революцияси ордени кавалери Алексей Васильевич Терешкин А. Абалин фотоси.

ПАРВАРИШ ҚИЗГИН

Янгиқўла районидида «Коммуна» колхозининг пахтакорлари гўза парварлишнн қилиб юбормалар. Улар юбилей йилида ҳар гектар майдондан 52 центнерға етказиб, «оқ олтин» хирмони кўтариш, она-Ватанға жами 4160 тонна пахта топириш мажбуриятини олшган.

Х. МИРЗАЕВ.

ЧЎПОН ЗАФАРИ

Ч. Аметов Ўнгира йилдан буюн Юқори Чирчиқ районидида «Коммуна» колхозида чўпонлик қилиб келаетир. У ҳар йили колхоз чўпонлари ўртасидида социалистик мусобақада пешқадамлик қилапти. Утган йил ҳар юз совлиқдан 117 тадан қўн, ҳар қўндан 3,63 килограммдан юқори сифатли жун қирқиб олди.

М. ТУРСУНОВ.

ИЛГОР ЧОРВАДОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети чорвачилик соҳасида колхоз ва совхозлар социалистик мусобақасининг 1977 йил биринчи кватталидаги якуналарини қўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қўйма қилиб байроқини олганлар орасида Тошкент областидаги Калинин районини (район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Тошхўжаев, район

ижроия комитети қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Хайдаров) ҳам бор. Бу район чорва ва парранданин қўлайлишини ҳамда планин бажарилишини, қорамоллар ва бузоқларнинг тула сақлаб қилинишини, чорва маҳсулотлари етиштириш қўлайлигини, ҳар беш ситирдан соғиб олинадиган сутни 46 килограмм қўлайлаштириб, 762 килограммға етказишнн таъминлаган. Ҳар бир товуқдан 43 та туғум олган, гўштта топириладиган қорамол вазини 477 килограммға етказган, гўшт тайёрлашннинг умумий кваттали ҳажмини 149 процент, сут тайёрлашнн 109

процент, туғум тайёрлашн 142 процент бажариб, буз-туругдан анча юқори натижаға эришди. Байроқ Қашқадарь областининг Қарши районидан олиб берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қўйма қилиб байроқини олганлар орасида Тошкент областининг «Ўзбекхиммаш» паррандачилик фабрикасиға (фабрика директори ўртоқ Хўжаев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Шонмон-лова, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Бухорова) берилди. Бу фабрика туғум етиштириш кваттал соция

листик мажбуриятини 108,2 процент, гўшт етиштириш мажбуриятини 103,3 процент бажарган, ҳар бир товуқдан 52 та туғум олган, туғумдан жўза очирш топиригини 103,3 процент, жўзаларни реализация қилиш топиригини 101,9 процент бажарган, туғумға кирган товуқларнинг 98,5 проценти сақлаб қилинишнн таъминлаган, биринчи кватталда давлатта туғум ва парранда гўшти топириш мажбуриятини ошириб бажарган, 28,5 минг сўм фойда олган. Байроқ Тошкент областининг Калинин районидида «Қорасув» давлат зотдор паррандачилик заводида олиб берилди.

ЗЛОБИНЧИЛАР АҲДИ

УЛУГ ОКТЯБРЬ социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб равишда кутиб олишға қатъий бел боғлаган Бекобод районидида 10-механизацияланган қўйма колоннасининг Мирзаярми Мирзабабдуллоев бошлиқ злобинчи бригадас азаматлари шу кунларда сўраб-таш-сўраб қўн шўр меҳнат қилаяптилар. Пешқадам бригада бунёдкорлари ўзинчи беш йилда зўр кўтаринини руҳ ва

йилда, шонли Октябрь юбилейиға қадар 2,5 йиллик планини адо этиш учун курашляпти. Злобинчилар бугунги кунда юксак мажбуриятларни шараф билан бажариш учун фойдаланилмаган резервларини ишға солишға, бир қатор қўшимча касбларни мукамал ўзлаштиришға ҳаракат қилишляпти.

— Коллективимизнинг барча аъзолари юбилей йилида зўр кўтаринини руҳ ва

гайрат-шижоат билан ишламоқдалар. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан унумли ишлаш меҳнат ширинииз бўлиб қолган. — дейди М. Мирзабабдуллоев. — Шунинг учун ҳам ҳар кунни топириқнинг 120—130 процентдан бажарилишнға эришлямиз. Биз — «Октябрь 46 йиллиги» совхозиди чорвачилик комплекс қурилишини 7 ноябр кунигача тугаллашға қарор қилганмиз. Биз албатта ваъдани устидан чиқамиз. Бу эса бизнинг Октябрь байрама туғумамиз бўлади.

К. РАҲМОНБЕРДИЕВ.

КОРХОНА МАРКАСИ ШУҲРАТИ

РЕЗИНА-ТЕХНИКА заводи Ангреннинг энг кенжа корхонаси ҳисобланади. Унинг салга тушганига икки йилдан савга кўпроқ бўлди. Лекин, завод маҳсулотлари билан мева-лакада машҳур бўлиб қолди. Чунки бу ерда тайёрланаётган турли-туман резина-техника буюмлари халқ ҳўжалигининг қўнғина тармоқларида кенг фойдаланиляпти.

Коллектив ўз маҳсулотини шуҳратини оширишға ёрдам берадиган барча омиллардан кенг фойдаланишға ҳаракат қилапти. Шу тўғрйли ҳам ойлик планлар тула ва эндида билан бажарилмақда. Утган тўрт ой мобайлида маҳсулот реализация қилиш, танархнин арзонлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш топириқлари шараф билан адо этилди.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейини икки йиллик планини бажариш билан кутиб олишға аҳд қилган корхона ишчи-хизматчилари 1 Май байрамини пландан ташқари юзларча минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш билан кутиб олдилар. Бу ютуқларға ишлаб чиқариш илғорлари муносиб ҳисса қўишди. Ишчилардан В. Корниенко, А. Солмонов, В. Карелин, Р. Ахмедшина шулар жумласидандир.

Ф. ПЕТРОВ.



Тошкентдаги 1-пойнафаза фабрикасининг меҳнаткашлари шу кунларда Улуғ Октябр социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб меҳнат галабалик бунд кутиб олиш ҳаракатини янада кенг қўлаб ёйдиришляпти. Қўллаб ишчилар сменна топириқларини эндида билан адо этмақдалар. Сиз суратда қўриб турган 7-лех ишчиси коммунистик меҳнат зарбодори Карим Қўчқоров нормани 130—140 процентдан бажариб, ишда бошқа ларға ўрнат бўлмақда.

Н. Шонногомов фотоси.



САЪДИ ЖЕМИЛОВ салкам 30 йилдан бери «Ўзбекхиммаш» заводидида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. У беш йиллик шахсий топириқни уч ярим йилда бажаришга сўз берган. Илгори ишчи металл ишлашнинг барча жараёнларини пухта ўзлаштирган, қўллаб ёшларга ўз хунарини ўргатган. Чапдаги суратда: октябрдаги мусобақани илгори С. Жемиллов.

ЎНГДАГИ суратда эса сиз Чирчиқ трансформатор заводи электр монтажчилар бригадаси бошлиғи А. Ф. Данеконни кўриб турибсиз. В. Сироткин фотолари.



БИЗ БИРИНЧИЛАРДАН ЭДИК

...В. И. ЛЕНИН номли майдон одамлар билан лиқ тўлган. Бу ерда Чирчиқ шахрига биринчи ғишт қўйилганлигининг 40 йиллигига бағишланган митинг бўлипти. Теварак атрофга қарайман. Кўкси орден ва медалларга тўла кишилар. Уларнинг ҳаммаси менга таъин. Бундан 40 йил муқаддам Чирчиқ шахри қурилишига бирга қолган эдик. Ҳаммамиз шу ерда ота-ини тутидик, бир ота бир онанинг фарзандларидек иноқ яшаб, меҳнат қилдик.

Митинг минбаридида турибману бонхтнёр ёдимга бундан 40 йил муқаддам содир бўлган воқеалар тушди. Ўзбекистон ЛКСМ УТ сьезди ўз ишнин давом эттирди. Сўзга чиққан делегатлар Чирчиқ қурилишини комсомол оталигига олши тўғрисидаги таклифни ўртага ташлашди. Бу таклифни ҳаммамиз қарсақлар билан қарши олдик. Муржаагда қалби олов комсомол ёшлар Чирчиқ қурилишига даъват этилган эди. Сьезд мажлислари орасидаги танаффусда ёш бинокорларнинг биринчи отряди



шахримиздан ўз ўринини топибди. Улар базасида «Чирчиқсельмаш», «Ўзбекхиммаш», трансформатор заводи лари қад кўтарди.

Шахримизга келаятган меҳмонлар ҳозир унинг омон улар бинолари, сўлим хибонлари, диллаш одамларига мафтун бўлмоқда. Маданият саройлари, чарогон кўчалар ҳамини кишилар билан тавжум. Ҳамшаҳарларимиз ўз ҳаётларидан, меҳнат натижаларидан мамнун. Мен шуларни кўриб қувонаман. Биз бошлаган ишни ҳозир ёшлар давом эттиришляпти. Улар фан-техника революциясини амалга оширишда, янги қувватларни ишта туширишда актив меҳнат қилмоқдалар.

Хаким ШОКИРОВ, Чирчиқ шахрининг фахрий граждани.

ЧИРЧИК ШАХРИ ОКТЯБРЬ ВАХТАСИДА

КОММУНИСТИК МЕХНАТ ВА ТУРМУШ УЧУН

«Электромаш» ишлаб чиқариш бир-лашмаси, Ўзбекистон қаттиқ қотишмалли ва иссиққа чидамли металл комбинати, «Ўзбекхиммаш» заводи партия ташкилотлари меҳнат тарбиясига алоҳида эътибор бермоқдалар. Улар ишчиларнинг ижодий меҳнат қилишлари, билим олшлари, маданий ҳаётада актив иштирок этишлари, учун зарур бўлган шароитларнинг ҳаммасини яратиб бермоқдалар. Социалистик мусобақа давомида моддий ва маънавий рағбатлантириш кенг қўлланиляпти. Ҳозирги пайтда 600 коллектив ва 150 мингдан ортиқ киши коммунистик меҳнат ҳаракатида ғойиб чиққан.

Коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективларнинг сийлари мунтазам ўтиб турибди. Бу йил улар Октябрнинг юбилейига бағишланмоқда. «Ўзбекхиммаш» заводи коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективларнинг сийи «Улуғ Октябр» — зарбдор меҳнатимиз шiori остида ўти. Йил бошида эса Ўзбекистон қаттиқ қотишмалли ва иссиққа чидамли металл комбинатида Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган меҳнат, маданият ва спорт астафетаси старт олди. Эстафетанинг мақсади корхона меҳнатқиларнинг ижодий активлигини ошириш, илгорлар таърибасини омаллаштириш ва бутун элбонини социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлашга қаратишдан иборетдир. Бу ташаббус тезда шахримизнинг бошқа корхоналарига ҳам ёйилди.

Эстафета давомида меҳнат коллективларининг активлиги сезиларли даражада ошди. Биргина Ўзбекистон қаттиқ қотишмалли ва иссиққа чидамли металл комбинатининг ўзида биринчи квартал давомида пландан ташқори бир неча юз минг сўлимкача якин маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлиди. «Чирчиқмаш» бошқармаси эстафета ойда плангадиган кўпроқ уй-жой қуришга эришди. Бош пудрат бўйича улар планни салкам 150 процент, ўз кучлари билан эса 140 процент адо этилди. Айниқса, Б. Абдураманов, В. Окумлаев, Я. Киния ўртоқлар рабдор килаётган бригадалар барчага намуна бўлдилар. Улар ҳозир ҳам топириқни бир ярим ҳисса ортиқ билан бажараёптилар.

Мусобақа давомида тутилган янгиликларни кенг омаллаштиришда идесология кадрлари катта роль ўйнамоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV сьезди қарорларини бажаришда сийсий агитациянинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарори эълон қилингандан сўнг агитация кадрларининг бу муҳим ҳужжати

1932 йил 28 апрелда СССР Меҳнат ва Мудофаа Совети Чирчиқ электротехника комбинати ва Чирчиқ дарёси бўйида иккита гидроэлектростанция қуриш тўғрисида қарор қабул қилди.

1934 йил 1 январьда Чирчиқда 9 та бошланғич партия ташкилоти бўлиб, улар сафига 144 коммунист бirlашган эди. Ҳозир эса шахар саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотлари ва муассасаларида ўз сафига 5958 коммунист бirlаштирган 106 та партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

ШАҲАРДАГИ цех ва устаконалар 1937 йилда 12 минг сўмлик янги саноат маҳсулотини ишлаб чиқарган бўлса, эндиликда Чирчиқ маркази бошланган 431,5 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот Иттифоқимиз шаҳарлари ва чет элларга юнатилмоқда.

«ЭЛЕКТРОХИМПРОМ» ишлаб чиқариш бirlашмаси мамлакатимизда минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи энг кеска корхоналардан бири ҳисобланади. Дастлабки маҳсулот 1940 йилнинг ноябрий ойида олинган эди. Ушундан бери минерал ўғит ишлаб чиқариш 14 марта кўпайди.

МАВЖУД 3894 та ўрта мактабда чирчиқликларнинг 28 минг 584 фарзанди билим олмақда. 3 та олий ва ўрта махсус билим ортида салкам 4 минг ёш кадр тайёрланмоқда. 5 та илмий-тадқиқот муассасаларида олимлар ишлаб чиқаришнинг янгида таъминлаштириш устида ишланмоқдалар.

1932 йилда янги шахар бунёдкорларига олти шифокор хизмат кўрсатган эди. Ҳозир шаҳардаги 13 та замонавий шифохонада 338 малакали врач меҳнат қилмоқда.

КИМЕГАР КАДРЛАР

М А С К А Н И

КИМЕГАРЛАР маданият саройи фойесига ўрнатилган Хурмат тахтасига бirlашма шўхратини оширишга ҳисса қўшган илгорлар, корхонамиз пойдеворида биринчи ғишт қўйган ветеранлар портрети қўйилган. Чирчиқ «Электромаш» ишлаб чиқариш бirlашмаси шу устозлар кўзи ўнгига ўсиб-ўлайди, бirlашма билан бирга унинг одамлари ҳам камол топди.

ДАСТАЛБИКИ оғир йиллар кеска ишчиларнинг ёнида. Қурулчилар ҳар қандай қийинчиликларга бардош бериб, Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган янги электротехника комбинатини тизорқ ишта туширишга, дастлабки тонна минерал ўғитларнинг навлардан шовуллаб тушушини ўз кўзлари билан кўришга ошиқшарди.

Нихоят озиқиб қутилган дамлар келди. 1940 йил 6 ноябрда дастлабки килограмм аммиак селитраси олинди. Шу кундан бошлаб эшелон-эшелон аёло сифатда минерал ўғитлар Ўзбекистон ва Ўрта Осиё республикаларининг серҳосил далалари томон оқа бошладилар.

Комбинат кадрлари дастлабки 5—6 йил давомида жуда ҳам катта ҳажимда ишларни бажаришга муваффақ бўлдилар. Урушнинг оғир йилларида цехларнинг тўла қувват билан ишлашига эришилди, технологик жараёнлар янгида таъминлаштирилди, янги-янги ускуналар қисқа кунларда монтаж қилиниб, маҳсулот ишлаб чиқариш анча кўпайтирилди. Коллектив Улуғ Ватан уруши йилларида оғир меҳнат муваффақиятлари учун Давлат Мудофаа Комитетининг кўчма Қизил Байроғига 14 марта сазовор бўлиди. 1946 йилда ҳукумат қарори билан байроқ доимий сақлаш учун комбинатга тақдим этилди.

Уруш йилларида кимегарлар Ватан олдидаги бурчи ва масъулиятларини яна ҳам чуқурроқ ҳис этидилар. Улар

хассис Ленин ва Давлат мукофотларининг лауреати бўлди. 20 киши Ленин ордени, 5 киши Октябрь революцияси ордени, 87 киши Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Чирчиқ электротехника комбинатини камол топтирган, уни Иттифоқнинг энг йирик ҳосил фабрикасига айлантирган кўпгина кимегарларни эндиликда Ўрта Осиё республикаларининг турли шаҳарларида қуриш мумкин. Улар янги химия гигантларини қуришда ва ишта туширишда бевосита иштирок этмоқдалар. Фарғона азот ўғитлари заводини ишта туширишда чирчиқлик кимегарлардан 195 киши, Навоий электротехника комбинатини ишта туширишда 193 киши, Тамбов химия заводини

техника институтининг Чирчиқдаги филиалида ва индустриал техникумда салкам 500 йилгит-йилгит ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим олаёпти. Улар аудиторияларда олган назаларни билимларини қуналиқ иш давомида мустаҳкамламоқдалар. Бўлажак инженерлар янгиликларни жорий этишда, ишлаб чиқариш жараёнларини таъминлашга қаратади, социалистик мусобақани ташкил этиш ва унинг самарадорлигини оширишда актив иштирок этмоқдалар.

Ҳозир Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бошланган зарбдор ҳафталикларда 6 мингдан ортиқ кимегар иштирок этмоқда. 4500 ишчи эса шахсий мусобақа шартларини белгилаб олган. Икунда кўп цех, бригада, смена, бўлим ва лабораториялар коммунистик меҳнат номига оғлаб келмоқда. Мусобақа шарафати билан юбилей йилнинг дастлабки кварталда планга қўшимча равишда 8 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқаришга муваффақ бўлиди.

Шонли сана ишониланган йилда биз бор имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, пахтакорларга пландан ташқари 40 минг тонна ҳосил виланини етказиб беришга аҳд қилганмиз. Ҳозир коллектив эътибори шу юксак мажбуриятни бажаришга, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олишга қаратилган.

С. АЗАМАТОВ, Чирчиқ «Электромаш» ишлаб чиқариш бirlашмаси директори-нинг ўринбосари.

Ушбу саҳифани «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири Ж. НОСИРОВ уюштирди.

ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАР

ҲОЗИР корхонамизнинг қайси бир ишлаб чиқариш участкасига назар ташламанг, самарали меҳнатнинг гувоҳи бўласиз. Корхонамиз коллектив Улуғ Октябрнинг 60 йиллик тўқини муносиб меҳнат соғалари билан кутиб олиш мақсадида кундан-кунга социалистик мусобақани кучайтириб бормоқда. Айниқса, иш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун бошланган ҳаракат тобора кенг қўлоб ёймоқда.

Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун кураш қўламини кенгайтириб, қўпгина ишчи-хизматчилар янгидан-янги ташаббуслар билан чиқишмоқда.

Яқинда Тошкент область партия комитети ўн тўртлар ташаббусига қўшилиб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига ошқинрилган социалистик мажбуриятлар олган областимиз корхоналари бир гурупа илгорларининг ташаббусини маъқуллади. Уларнинг орасида темирчилик-пресслаш цехининг бригада бошлиғи Мардон Ҳамдамов ҳам бор. Ҳозирда корхонамиздаги қўллаб ишчилар ана шу бешқадамнинг изидан бормоқдалар. Масалан, «Хурмат белгиси» орденли Аваз Йўлдошев, Анатолий Делаконзо ва бошқалар уч ярим йиллик топириқни 7 нозбргача адо этишдек шарафли мажбурият олдилар. Шунингдек, Александр Гизатуллин, Владимир Микеев, Вант Аббасов, Николай Тур каби ишчилар ҳам ошқинрилган мажбуриятлар қабул қилишди.

Ташаббус корхонада кенг қўлоб ёймоқда. Ошқинрилган мажбуриятлар олаётган илгорларнинг сафни кўндан-кунга ўсиб мустаҳкамлашиб бораёпти. Ҳаммамиз иняти инсонга бахт келтирган улуғ кунини меҳнатда муносиб соғалар билан кутиб олишдир.



О. ЛЕВАК, «Ўзбекхиммаш» заводининг бўлими бошлиғи. БУГУНГИ ЧИРЧИК. А. Аббасов фотоси.

